



ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мавлонов Нуриддин Бойкобилович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Тингловчиси

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари катта рол ўйнайди. Айнан банк кредитлари қайси соҳа ва тармоқларга йўналтирилса, ўша соҳа ёки тармоқ ривожланади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитларидан ташкил топган кредит портфели барқарорлигини таъминлаш ва ушбу портфелни оптимал бошқариш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг катта қисми кредитларга йўналтирилганлиги учун ундан кўриладиган рисклар ҳам юқоридир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан охириги йилларда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам иқтисодий ривожланиш соҳасига катта эътибор берилиб муҳим мақсадларни олдига қўйган. Ушбу мақсадлардан бири **мамлакатимизнинг** иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш асосланган. Ушбу мақсадларга эришиш йўлиди макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш; давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш; ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг тақлифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш; давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларида ошиб кетмаслигини таъминлаш зарурлиги белгаланган²²².

Банк кредити республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши ўз - ўзидан аниқ. У жисмоний ва юридик шахслар моддий техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб, асосий ва оборот ишлаб чиқариш фондларини тўзиш, тиклаш ва кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари билан чекланиб қолмаслик, янги пул

²²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. www.lex.uz



маблағларини хўжалик оборотига киритиш имконини беради ва шу билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва жадаллашиши учун зарур иқтисодий замин яратади.

Банклар ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшимча қарз маблағлари юзага келишининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тўзилмалаш, фаол иқтисодий сиёсат юритиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам беради.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк (қарз берувчи) ва мижоз (қарз олувчи) нинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тўзилганлигига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Банк ўзининг сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда кредит сиёсатини аниқ белгилаб олиши бошқарув органлари томонидан белгиланган стандартларга риоя қилиш ва фойдали кредитлар беришни таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банк бошқарувчилари ва кредит инспекторларига кредит бериш тўғрисида аниқ қарор қабул қилиш ва банк кредит портфели таркибини тўғри танлашда амал қилиниши керак бўлган асосий йўналишларни беради. Банк кредит портфелининг таркиби унинг кредит сиёсатини ўзида акс эттириши керак. Акс ҳолда, банк кредит сиёсатининг самарали қўлланиши таъминланмайди ва банк бошқаруви юқори органлари ёки уни қайта кўриб чиқишлари, ёки унинг қўлланилиши бўйича чора - тадбирлар кўришларига тўғри келади.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси - омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тўзилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришини аниқ белгилаб олиши керак.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, кимга, қайси шароитлар билан берилишини хал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақоза этади. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларнинг



сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлари, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим.

Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфели сифатининг ошишига олиб келади. Тегишли равишда, кредит сиёсатининг мақсади ҳуқуқий тартибга солиш диапозони, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели баланси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиши керак.

Банк кредит сиёсатининг моҳияти ва мазмунини тушуниш учун авваламбор сиёсат деган тушунчага таъриф бериш керак бўлади. Сиёсат юнонча «политике» сўздан олинган бўлиб «Давлатни бошқариш санъати» деган маънони билдиради одатда, ижтимоий фаолият сифатида талқин қилинади.

Сиёсат - бу боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш усули бўлиб, бунда принциплар тегишли сиёсатни аниқлаш ва уни амалга ошириш усулларининг асоси сифатида қатнашади.

Сиёсий таъсир объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар соҳасига боғлиқ равишда, иқтисодий сиёсат, ижтимоий, маданий, техник ва бошқа сиёсат тўғрисида гапириш мумкин. Кредит сиёсати - бу банк томонидан унинг фаолиятида ўтказиладиган сиёсат кенг спектрининг фақатгина бир қирраси ҳисобланади. Бир гуруҳ рус олимлари кредит сиёсатини қуйидагича таърифлайдилар: «Кредит сиёсати - банкнинг кредит операциялари соҳасидаги стратегияси ва тактикасидир».²²³

Кредит сиёсати талқинига бундай ёндашувни ҳозирги ғарб адабиётида ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Жаҳон банкининг Н. Брук таҳрири остидаги нашрида қуйидагиларни кўришимиз мумкин: «Сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташкилий эҳтиёжлар, қоидалар, қонунлар ва бошқариш фалсафасининг интеграциясини билдиради. Бу корпоратив маданиятнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Сиёсатни ишлаб чиқишда банк имиджи мустаҳкамланади ва келажакдаги натижаларга асос қўйилади. Аниқ белгилаб олинган сиёсатга эҳтиёж банкнинг кенгайиши, децентрализациялашуви ва мустақиллигининг ўсиши билан ортиб боради. Банк сиёсати кредитлаш, қимматли қоғозлар ва шўъба компанияларига инвестициялар, капитал қўйилмаларни молиялаштиришга одатда асосий функцияларни қамраб олади:

- ◆ харажатлар;
- ◆ персонал;
- ◆ ички назорат ва молиявий бошқарув.

Сиёсатни ишлаб чиқиш кўп ҳолларда тармоқ сиёсатига, анъаналар ва

²²³ Банковское дело: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2002. – 672 с.



«рахбарлар кенгаши» бошқарувчиларининг таклифларига асосланади».²²⁴

Кредит сиёсатининг юқорида келтирилган таърифлари бизга ҳозирги замон иқтисодий адабиётида бу тушунчанинг турли талқини мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради, бу эса ўз навбатида кредит сиёсатининг моҳиятини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Панова Г.С. шундай дейди: «Авваламбор, кредит сиёсатини иқтисодий сиёсат сифатида белгилаб олиш лозим. Аммо молиявий, нарх, солиқ, фоиз ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда кредит сиёсати уни иқтисодий сиёсатни ташкил этадиган элементлар умумий тизимидан ажратиб турадиган ўзининг маълум бир махсус белгиларига эга. Кредит сиёсатининг муҳим томони шуки, кредит сиёсати - бу кредитнинг ҳаракати билан боғлиқ сиёсат ҳисобланади».²²⁵

Банк кредит ва депозит сиёсати бир асосга эга ва бир медалнинг икки томони каби ҳисобланади. Кредит ва депозит сиёсатининг ўтказилиши бир мақсадни кўзлайди – банкнинг ишончилиги ва стабиллигини ушлаб турган ҳолда унинг даромадларини максималлаштиришдан иборат. Мувозанат нуқтаси бўлиб банк ликвидлиги хизмат қилади.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тижорат банкининг кредит сиёсатини кенг маънода, унинг депозит сиёсатини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим. «Кредит сиёсати – бу кредит бериш борасида бўлгани каби, уни олиш борасидаги ҳам сиёсатдир».²²⁶

Шундай қилиб, кредитни иқтисодий категория сифатида бошқариш даражасида депозитларни қайтариш асосида жалб қилиш ва ссудалар бериш бўйича сиёсат бир жараённинг икки тарафи ҳисобланади.

Ҳақиқатдан, амалиётда банклар (марказий ва тижорат банклари) пул, кредит, фоиз, валюта сиёсатини олиб боради. Шу билан бирга шуни айтиб ўтиш жоизки, кредит сиёсати - бу турли кредиторларнинг сиёсатидир.

1.1-жадвал

Банк сиёсати ва унинг таркибий қисмлари²²⁷

²²⁴ Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. 146 б.

²²⁵ Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИКЦ «ДИС», 1997 йил.

²²⁶ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –245 б.

²²⁷ Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИКЦ «ДИС», 1997 йил.



- ◆ Депозит сиёсат.
- ◆ Кредит сиёсати.
- ◆ Банк мижозларига ҳисоб касса хизматларини кўрсатишни ташкил этиш соҳасидаги сиёсат.
- ◆ Фоиз сиёсати.
- ◆ Валюта сиёсати.
- ◆ Алоҳида банк операциялари ва хизматларини ўтказиш бўйича сиёсат.
- ◆ Банк рискларини бошқариш соҳасидаги сиёсат.
- ◆ Банк фойдалилиги, рентабеллигига нисбатан сиёсат.
- ◆ Ходимларни бошқариш бўйича сиёсат.
- ◆ Рақибларга нисбатан сиёсат ва х.к.

Шундай қилиб, умуман олганда, банк сиёсатининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда, тижорат банкнинг кредит сиёсати алоҳида эмас, балки банк сиёсатининг барча элементлари таъсири, боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда қаралиши лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580 Қонуни, 2019 йил 7 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ-578 Қонуни, 2019 йил 7 ноябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.



8. Мамадияров З.Т. (2018). Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг эволюцияси ва ривожланиш босқичлари (халқаро тажриба).- Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали.-№6 декабрь

9. Худаярова Х.А. (2020). Ўзбекистонда чакана банк хизматлари амалиётини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (ПхД) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент

10. Рустамов М. (2018) Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари ва уларни келгусида ривожлантириш истиқболлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. №2, апрель.

11. Сулаймонов С. (2019). Ўзбекистонда банк хизматларининг жозибадорлигини оширишда масофавий банк хизматларининг долзарб муаммолари. //Бизнес-эксперт. №4 (136)-сон.